

“Суд ва ёшлар” учрашуви ўтказилди

Ёшларни суд тизими фаолияти, бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан таништириш мақсадида жойларда “Суд ва ёшлар” учрашувлари ўтказилмоқда.

Учқўприк тумани ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги ва жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан ташкилланган ана шундай учрашувлардан бири туман ҳокимлигига бўлиб ўтди.

Учрашувда умумтаълим мактабларининг битирувчи синфлари ўқувчилари, психологлар, ички ишлар бўлими пробация гуруҳи ҳисобидаги шахслар, низоли оиласлар вакиллари, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёшлар иштирок этди.

Мазкур учрашувда ички ишлар ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳамда жиноят ишлари бўйича туман суди раиси томонидан бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фуқароларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш, пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши ҳақида маълумот берилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, ёш авлод вакилларини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли заарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, билимлари ва масъулиятини мунтазам ошириб бориш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида сўз юритилди. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти билан бирга, ёшларга суд тизимида жорий этилаётган замонавий технологиялар ва уларнинг имкониятлари хусусида ҳам маълумот берилди.

Учрашув давомида жиноят ишлари бўйича Учқўприк тумани суди раиси Аброр Омонов жамоатчилик иштирокида сайёр суд ўтказиб, бир қатор ишларни кўриб чиқди. Очиқ суд мажлиси давомида ижобий ҳулқи билан ажralиб турган, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган пробация маҳсус ҳисобидаги 13 нафар маҳкумлар муддатидан аввал белгилangan жазони ўташдан озод қилинди.

2023-11-13 11:32:57